


# БИЗ СИЗ БИЛАН, АЗИЗ МУШТАРИЙ,

## БИР ҲАФТА ҚОЛДИ

ҲА, БОР-ЙЎҒИ БИР ҲАФТА ҚОЛДИ. Яна бир ҳафтадан сўнг нашрларга обуна қилиш поёнига етади. Улгурган улгурди, улгурмаган эса...

Йўқ, биз сиз, азиз муштарийларни асло айбламоқчи эмасмиз. Бироқ, пича ўпкамиз бор. Тўғри, ҳозир ҳеч кимга осон эмас. Куз жуда оғир келди. Кундалик юмушлар, рўзғор ташвишларидан ортиб, бир-биримизнинг ҳолимиздан хабар ололмаганимиз ҳам рост. Боз устига қиш ҳам эрта тушиб, дала меҳнаткашларининг кўнглига қил сиғмай қолди. Катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосил бугун қор остида ётибди.

Биз матбуотчилар ҳам ҳозир ҳаловатимизни йўқотганмиз. Дам сармоя, дам қоғоз етишмаслигидан бошларимиз гаранг. Таъбир жоиз бўлса, чуқур-чуқур нафас олиб, амаллаб газета чиқариб турибмиз. Ҳар қанча оғир бўлмасин, айтишга мажбурмиз: тақдиримиз кўп жиҳатдан обуна миқдорига боғлиқ бўлиб қолди. Айтишларича, 20 мингдан оз обуначиси бўлган нашрлар ўз харажатларини қоплай олмайди. Бу деган сўз... Биздаги маълумотларга қараганда эса, «Туркистон» бу довонни ҳали ошиб ўтганича йўқ.

Обуна учун берилган муҳлат яна бир ҳафтадан сўнг тугайди. Бор-йўғи етти кун. Ҳаш-паш дегунча ўтиб кетади. Агар вақтида отни қамчилаб қолмасак, унда...

Тўғрисини айтинг, сизларга умуман «Туркистон» газетаси ёқадими, йўқми? Агар ёқса, у ҳолда четда турманг — унга обуна бўлинг! Бир йилга, олти ойга, уч ойга... Имконингиз қанчани кўтарса, шунга даст уринг. Ҳар қандай ҳолатда ҳам биз сизга миннатдорчилик изҳор этамиз.

Агар билсангиз, журналист аҳли ҳам спортчиларга ўхшайди. Стадион одамлар билан лиқ тўла бўлса, футболчилар жўшиб тўп сургани каби, журналистлар ҳам ўқувчиси кўп бўлгани сайин илҳомланиб ёзади, кўпроқ масъулият билан ишлайди. Халқнинг дилидагини қоғозга туширсам, уларнинг ташвишига ҳам, қувончига ҳам шерик бўлсам, дейди. Ҳар қалай «Туркистон» таҳририяти ходимлари шу кунгача шунга интилиб келишди. Бунга қай даражада эришдик, буни баҳолаш сизларга ҳавола.

Бизнинг эса айтадиганимиз битта: «Туркистон» — сизнинг газетангиз. Уйлаймизки, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади!

**«ТУРКИСТОН» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ.**

# СИЗ-ЧИ, СИЗ ҲАМ БИЗ БИЛАНМИ?

### ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

**Обуна варақасини бехато тўлғазишга ҳаракат қилинг!**

Агар обуна «Союзпечать» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлинмаларида расмийлаштирилганда эса календарь штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

### АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Ғазета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда, хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг. Обуначи ўз турар-жой адреси, исм ва фамилиясини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-МЕСТО» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Союзпечать» агентликлари тўлдиради.

Бош муҳаррир: Ғаффор ҲОТАМОВ.

Таҳрир ҳайъати: М АБДУСАМАТОВА, А. АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), З. МАМАДАЛИЕВ, Ж. РАЗЗОҚОВ, К. РАҲИМОВ, З. РИХСИЕВ (масъул котиб); С. РУСТАМОВ, Б. ЮСУПОВ.

*Таъсис этувчи:*
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
*ва*
"ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00130. Буюртма Г-643 58353 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти — 21.00.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672.

Босишга топширилди — 00.30.

1 2 3 4 5 6